

4.850.000 ТОННА

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ ВАТАНГА!

ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

„ОҚ ОЛТИН“ ИЖОДКОРЛАРИ — ОЛТИН ҚЎЛ ПАХТАКОРЛАРГА ОФАРИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 225 (4941).

14

НОЯБРЬ

ЧОРШАНБА

1973 ИЙЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҲАР БИР СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ СОВЕТ ЭКОНОМИКАСИ-
НИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИГА
ЭГА. ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМУМИТТИФОҚ БОЙЛИГИГА ҚЎША-
ЁТГАН ҲИССАСИ УНИНГ ЕТИШТИРАЁТГАН ПАХТАСИ БИ-
ЛАН БЕЛГИЛАНАДИ. ХЎЖАЛИКНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛА-
РИ АҲАМИЯТИНИ АСЛО КАМСИТМОҚЧИ ЭМАСМАН,
АЛБАТТА. ЛЕКИН РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА ҲАМ, УМУМ-
ИТТИФОҚ МИҚЁСИДА ҲАМ ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ
АЙНИҚСА КАТТА РОЛЬ ЎЙНАЙДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА МЕХНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комите-
ти ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети зур мамуни-
ят билан маълум қилдики, республика қишлоқ хў-
жалик меҳнатчилари КПСС XXIV съездининг тарихий
қарорларини амалда ошира бориб ҳамда деҳқончилик
махсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш
учун социалистик мусобақани авж олдириб, пахтадан мўл
ҳосил етиштирдилар ва социалистик мажбуриятларини
бажардилар. Пахтакорлар пахтакор республикалар пар-
тия-хўжалик активларининг Тошкентдаги йиғилишида
КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И.
Брежневга берган ваъдаларига шараф билан вафо қил-
дилар. Ватан 4 миллион 850 минг тонна — халқ хўжа-
лиги планига кўзда тутилганга нисбатан 405 минг
тонна кўна ва бутун 1972 йилдагига нисбатан 140 минг
тонна кўна Ўзбекистон «оқ олтин»ини олди. Тошйир-
ган пахтанинг 90 проценти биринчи навларга қабۇл
қилинди. 184 минг тонна илгичка толали пахта тош-
қилди.

Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмониغا Қорақалпо-
ғистон АССР ва республиканинг барча областларининг
пахтакорлари муносиб ҳисса қўйдилар. Давлатга Анди-
жон области хўжаликлари 588 минг тонна, Сирдарё об-
ластининг хўжаликлари 560 минг тонна, Фарғона об-
ластининг хўжаликлари 542 минг тонна, Самарқанд об-
ластининг хўжаликлари 483 минг тонна, Сурхондарё
областининг хўжаликлари 438 минг тонна, Наманган об-
ластининг хўжаликлари 418 минг тонна, Тошкент об-
ластининг хўжаликлари 416 минг тонна, Бухоро об-
ластининг хўжаликлари 394 минг тонна, Хоразм об-
ластининг хўжаликлари 372 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР
хўжаликлари 323 минг тонна, Қашқадарё об-
ластининг хўжаликлари 316 минг тонна пахта сотдилар.

Бу йил пахтадан фақат энг кўп ялпи ҳосил олиниб-
гина қолмай, шу билан бирга ҳосилдорлик ҳам респу-
блика пахтачиларининг бутун тарихида энг юқори дара-
жада бўлди. 1 миллион 683 минг гектар майдоннинг ҳар
гектаридан ўрта ҳисобда 28,3 центнер пахта олинди.

Андижон, Наманган, Сурхондарё, Хоразм областлари-
нинг ҳамда республикадаги 46 районинг пахтакорлари
гектар бошига 30 центнердан ошириб ҳосил олишга
эришдилар. 16 район хўжаликлари эса ҳосилдорлигини
35—40 центнерга етказдилар. Оқдўртон районининг хў-
жаликлари гектар бошига 35 центнер ҳосил олиб дав-
латга 100 минг тоннадан кўпроқ пахта сотдилар. Ле-
нин, Жарқўрғон, Сарисоёқ, Йилғариқ, Богот, Денов,
Шўртқи, Тўртқўл, Пахтачи районларининг қолқозлари ва
совхозлари экин майдонларининг ҳар гектаридан 38—40
центнерга етказиб пахта олдилар. Республикада деҳқон-
чилик маданиятини юксалтириш, сугорилмаган ерлар-
дан самарали фойдаланиш, илмий жиҳатдан асосланган
пахта—беда алмашлаб экишни ўзлаштириш, пахтанинг
илгичка чидамли янги навларини жорий этиш борасида
катта иш қилинганлиги натижасида мўл ҳосил олишга
муваффақ бўлинди. Минерал ўғитлардан, гербицидлар-

дан ва бошқа химиявий воситалардан фойдаланиш ан-
ча яхшиланди.

Республика механизаторлари ажойиб ғалабага эриш-
дилар. Улар 2 миллион 660 минг тонна пахтани, яъни
жами ҳосилнинг 55 процентини машиналарда териб
бериб, ўз мажбуриятларини анча ошириб бажардилар ва
ишлатилган ҳар бир пахта териш машинасида ўрта ҳи-
собда 100 тоннага етказиб пахта теришни таъминладилар.
Хўжаликлар техника билан яхши таъминланганли-
ги, пахта териш техникасида моҳирлик билан фойдала-
нганлиги, механизаторларнинг фидокорона меҳнат қил-
ганлиги ҳосилни қисқа муддатларда териб олишни ва
пахта тайёрлаш суръатларини тезлаштириш таъминлади.
Теримнинг қизгин палласида кунига ўрта ҳисобда
140—145 минг тоннадан ёки йиллик планнинг уч про-
центи миқдордан эътибор пахта тошириб турдилар. Бу
ёса социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган
муваффақиятларини янада кўпайтди. Пахта йиғим-теримини
механизациялаш даражасини Сирдарё области хўжалик-
лари 80 проценти, Тошкент области хўжаликлари 70
проценти, Наманган области хўжаликлари 62 проценти-
га етказдилар.

Учкўрғон, Дўстлик, Оқ олтин, Ильич, Октябрь, Мир-
зачўл, Пахтакор районларида пахта териш машиналари-
нинг букерларидан хирмонга тўкиладиган пахтанинг сал-
моғи терилган жамини пахтанинг 90 проценти ва ун-
дан ҳам кўпрогини ташкил этди. Задарё ва Бўз рай-
онлари механизациялашнинг юксак даражасига эришдилар.
Қўшпа қолқозлар ва совхозлар эса етиштирилган пах-
та ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олдилар.
Малакали механик-ҳайдовчиларнинг катта арисаси
ўсиб етишди, булар меҳнат намуналарини кўрсатдилар.
Минг-минглаб механик-ҳайдовчилар мавсумда 300—500
тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб беришга муваф-
фақ бўлдилар. Булар орасида Аҳмад Валиев, Сервер
Ҳасенов, Жиянкул Рустамов, Чиниқул Худойберова, Абду-
саттор Қўрбонов, Сулейман Продан, Обиджон Аббаров,
Қўшқил Абдураҳмонов, Бобошер Шавкатов, Зўраҳ Ха-
санов, Сервер Алиев, Қочил Жуманиязов, Тўла Да-
дахонов, Қозоқ Қамоллов ва бошқа жуда кўп механик-
ҳайдовчилар бор.

Эришилган муваффақият — пахтачиларнинг тўғовсиз
ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети
билан Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлик қилиб
катта ёрдам бериб турганлигининг, пахтакорлар юксак
маҳорат кўрсатиб қаҳрамонона меҳнат қилганлигининг,
республиканинг партия, совет, касаба союз, комсомол
ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тай-
ёрлаш органлари олиб бораган катта ташкилотчилик ва
сиёсий ишларининг натижаси бўлди.

Пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг
КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И.
Брежнев иштироки билан КПСС Марказий Комитети
томонидан қабирилган йиғилиш бу йилги муваффақият-

ни қўлга киритишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.
Ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакорлар меҳнатига юксак
баҳо берганлиги, унинг актив йиғилишида ва Халқлар
дўстлиги орденини республикага топириш чоғида бер-
ган маслаҳатлари ва кўрсатмалари меҳнат гайратини ва
сиёсий активлигини исми қўрилмаган даражада кучайти-
риб юборди, муваффақиятнинг қўлга киритишга барақали
таъсир ўтказди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари машина-
лар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника восита-
лари билан катта ёрдам бериб турган ишчилар синфига,
мамлакатнинг барча меҳнаткашлари ва қардош халқлар-
га чин қўнғилдан ташаккур айтмоқдалар. Бундай ёрдам
бўлмаса пахтакорлар ғалаба қозонолмаган бўлур эдилар.
Автотранспорт ходимлари ва граждн авиациясининг
ушувчилари катта ҳисса қўшдилар. Пахта тозалаш за-
водларининг ва тайёрлаш пунктларининг коллективлари
пахтани қабул қилиш, сиқлаш ва қайта ишлаш борасида
ўз ишларини пухта ташкил этдилар. Шаҳарлар ва ко-
селкларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар
пахтани териб олишга катта ёрдам бердилар.

Республика мажбуриятини бажариб, Пахта дала-
ларининг меҳнатчиларига ва уларнинг ғалабани қўлга ки-
ритишларига ёрдамлашганларнинг ҳаммасига минг раҳ-
мат. Даладарда ҳали пахта кўп. Халқ хўжалиги учун жу-
да қимматли бўлган бу хом ашёни етиштиришда пахтако-
рларнинг жуда кўп меҳнати сарфланган. Қолган пахта-
нинг ҳаммаси батамом териб олинди, Ватан омиборига
топирилиши зарур.

Пахтакорлар меҳнат гайратини сусайтирмай, қўшма
мажбуриятлар ҳисобига пахта топириш учун кура-
шайотганларига қўйла қолса арзийди. Қорақалпоғис-
тон АССР пахтакорлари 27 минг тонна, Андижон об-
ласти пахтакорлари 13 минг тонна, Бухоро области пахта-
корлари 11 минг тонна, Қашқадарё области пахтакорлари
10 минг тонна, Наманган области пахтакорлари 17
минг тонна, Самарқанд области пахтакорлари 18 минг
тонна, Сурхондарё области пахтакорлари 12 минг то-
на, Сирдарё области пахтакорлари 10 минг тонна, Тош-
кент области пахтакорлари 9 минг тонна, Фарғона об-
ласти пахтакорлари 24 минг тонна, Хоразм области пах-
такорлари 28 минг тонна пахта топириш тўғрисида қў-
шимча мажбурият олдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Коми-
тети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қатъий
ишонч билдириб айтадиларки, партия, касаба союз, ком-
сомол, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, барча қиш-
лоқ меҳнатчилари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини
йиғиб-териб олиш учун, қишлоқ хўжалик йилини муваф-
фақиятга таъминлаш, кузги-қишқи тадбирларини ва чорва
қилишнинг намунали ўтказиш учун, келгуси йилда тагин
ҳам каттароқ натижаларга эришиш учун барча зарур чо-
раларни қўрадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

12 ноябрда КПСС Марказий
Комитетининг Бош секретари
Л. И. Брежнев Югославия Соци-
алистик Федератив Республикаси-
нинг Президенти, Югославия Ком-
мунистлар Союзининг раиси Йо-
сип Броз Тито ва унинг рафица-
си шарафига, Мариа саройида зиё-
фат берди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқ Тито!
Ҳурматли ўртоқ Йованка Броз!
Азиз ўртоқлар!
Совет Иттифоқига қилган янги
йилнингизга сиздиқилган хўр-
сандимиз. Ҳар бир мана шундай
учрашув — ҳоқ бизнинг мамлака-
тимизда бўлиши, ҳоқ Югославияда
бўлиши — ҳаммиса партиялари-
миз ва мамлакатларимиз ҳар то-
монлама алоқаларини ривожлан-
тиришда муҳим қадам бўлишига,
Совет—Югославия дўстлигини
муштақамлашда муҳим қадам
бўлишига аввалиги таърибамизда
бизни ишонтиради. Аниқса ке-
йинги йилларда бир қанча учра-
шулар ўтказилди. Шу учрашу-
лар довомиди сиз билан биз Со-
вет—Югославия ҳамкорлиги дои-
расини кенгайтиришга доимо иш-
тида бердик, унинг миқёси ва иш-
ламми тобора кучайтира бердик.

Зиёфатда Л. И. Брежнев ва Йо-
сип Броз Тито ўртоқлар билан
бирга уларга ҳамроҳ бўлиб ке-
лган расмий ишчилар, Украина
ССРининг партия ва давлат арбоб-
лари ҳам ҳозир бўлдилар.
Зиёфат чоғида Л. И. Брежнев
билан Йосип Броз Тито ўртоқлар
нутқ сўзладилар.

Бу ерда Совет Украинасининг
поятахти—Киевдаги дўстона му-
носабаларимиз ана шу яхши ан-
ианининг яхши давом бўлиб ҳи-
мат қилишга шубҳам йўқ.
1955 ва 1956 йиллардаги Бес-
град ва Москва декларациялари,
1971 йилги Совет—Югославия
баёноти, 1972 йилда қабул қилин-
ган қўшма ахборот — муносабат-
ларимизни узлуksиз ривожланти-
ришга хос бўлган унутилмас бос-
қичлардир.

Ҳамкорлигининг ҳозирги юксак
даражаси биз билан сиз, ўртоқ
Тито, ўртаминда ўтказилган сам-
ий ўртоқларча суҳбатларнинг
натижаларини ҳам ифодалайди.
Ҳозир ҳамма соҳаларда — сиё-
сатда, иқтисодида, маданият со-
ҳасида алоқаларимиз кўпайиб бо-
раётганлигини ва энг муҳими
биргаликдаги ана шу дўстона иш-

нинг самаралари кўпайиб бораёт-
ганлигини мамнуният билан таъ-
кидлаймиз. Совет—Югославия
муносабатлари муваффақиятли
равнабда ривожланиб бормоқда.
Совет Иттифоқи билан Югославия
қардош халқларининг ҳамкорли-
гини янада чуқурлаштиришнинг
яхши истиқболларини кўриб ту-
рғанлигимизни ҳам таъкидлаб ўт-
моқчимиз. Биз Совет—Югосла-
вия дўстлигига, унинг келажатига
ишонамиз ва бу дўстлигини самар-
али ривожлантириш учун энг
маънавияда масъулиятни яхши ан-
лаб турмоқчимиз.

Биз дўстона, интернационалис-
тик алоқаларимизни ривожланти-
ришда далил тараққиётини таъ-
минлаб бораётган оқиллар тўри-
сида ўйланганимизда партиялар-
имизнинг оғли сиёсатини алоҳида
кўрсатишимиз, Марказий Ко-
митетларимиз, ҳукумат ва давлат
органларимизнинг кун сайин олиб
бораётган жуда катта иш тўғри-
сида гапирганимиз лозим.

Ўртоқ Тито Совет—Югославия
дўстлигини ривожлантириш ва
муштақамлашга катта ҳисса қўш-
ганлиги ҳаммага маълум. Бино-
барин, бугун биз ўртоқ Титонинг
таърикланиш билан айни бир вақтда
унинг орқали Югославиядаги
социалистик қурилишга пенда-
дамлик қилаётган югослав комму-
нистларини ҳам таъриблаймиз,
биз югослав халқини, унинг аҳо-
лий ишчилар синфини, меҳнаткаш
деҳқонларини, халқ зиёлиларини
таъриблаймиз, югославиялик бар-
ча дўстларимизни таъриблаймиз.
(Давомли қарсаклар).

Партияларимиз ўртасида
марксизм-ленинизм ва пролетар
интернационализм асосидаги
ҳамкорлиқни янада чуқурлашти-
ришни нелгуси йилларда олд-
мида очилаётган кенг имконият-
ларнинг негизи деб биламиз.
Азиз ўртоқ Тито, ҳурматли дўст-
лар! Бугун яқин ўртада бошланган
ва кўпгина масалаларни қамраб
олган мунозараларимиз яхши му-
ҳим таъминлади. Шундай бўлиши
ҳам табиий, чунки битта икти-
моний формацияга мансуб бўлган
мамлакатлар — Совет Иттифоқи
билан Югославия ўртасидаги му-
носабатларнинг ҳукумрон тенде-
нцияси бизни бирлаштирувчи, бизни
жиқлаштирувчи ҳусусиятлар бил-
лан белгиланади; социализм эъ-
тиқоти Маркс, Ленин наиф эт-
ган ҳамда қўлгина коммунистлар
ва ишчи партияларнинг таъриб-
ида исботланган ягона объектив
қонуниятлари билан белгиланади.
Давлатларимизнинг ҳамкорлиги
тобора бой мазмун билан тўймоқ-
да, бу гап икки томонлама муно-

сабатлар соҳасигагина эмас, шу
билан бирга ташқи сиёсат соҳаси-
га ҳам тааллуқлидир. Совет
Иттифоқи муштақам тинчлик ва
халқларнинг хавфсизлиги учун
курашда Югославиянинг бирдам-
лигини қадрлайди, унинг тинчли-
севар сиёсати халқаро муҳитни
созломлаштиришга ижобий ҳисса
қўшмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг
мувофиқлаштирилган сиёсати не-
кинлигини коммунистнинг асосий
қаракатлантирувчи кучи бўлиб
қолди ва шундай бўлиб қолмоқ-
да. Совет Иттифоқи, Югославия,
бошқа социалистик мамлакатлар
халқлар ўртасида тинчлик ва
тегиз ҳукуқий ҳамкорлик қоялари-
ни ишчилик билан ёқлаб чиқмоқ-
далар, бу гоилар ҳозирги даврда
миллион-миллион кишиларнинг
онига синмоқда.

Жаҳон жамоатчилигининг тобора
ва турли-туман қатлам-
лари ҳаракатда келмоқда ва пла-
нетамизда муштақам тинчликни
таъминлаш учун ўз куч-гайратла-
рини бирлаштирмоқда. Тинчли-
севар кучларнинг яқинда Москва-
да бўлиб ўтган жаҳон конгресси
бунни жуда яққол кўрсатди. Бу
конгресс халқаро майдонда жуда
катта аҳамиятга эга бўлди. Кон-
гресс қатнашчиларининг овози,
унинг давлатлари тинчлик та-
рафдорларининг, барча қитъалар
да халқларнинг бахт-саодати ва
хавфсизлиги йўлидаги курашчи-
ларнинг сафларини кўпайтириши-
га шик-шубҳа йўқ.
(Давомий 3-бетда).



✦ ПАХТА йиғим-теримининг қизгин қўнғиларида поёнсиз
далаларда моҳир механизаторлар жавлон урдилар. Улар кун
сайин осмонлар хирмон бунёд этиш учун қаранат қилдилар.
Шулар орасида Пискентдаги Калинин номи қолқоздан Фай-
зиевса Жўраеванинг номини алоҳида кўрсатиш мумкин. У
мавсумда 200 тоннадан ортиқ пахта терди.

А. Тўраев фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОН- ГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Илгари келишиб олинганга
мувофиқ, КПСС Марказий Ко-
митетининг Бош секретари,
СССР Олий Совети Президи-
ду.

нинг аъзои Л. И. Бреж-
нев шу йил 26 ноябрдан 30
ноябрга расмий дўстона ви-
зит билан Ҳиндистонга бора-
ди.

ДАЛАДАГИ ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК, КЕЛГУСИ ИЛ УЧУН ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК!

МАШИНА - ҚАНОТИМИЗ

Қўлга киритаётган муваффақиятларда техниканинг кўмаги катта бўлган. Деярли ҳамма иш механизацияланган. Техниканинг куч-қудрати беқиёс эканлиги қўлга киритилаётган ютуқлар билан исботланмоқда.

Пахта — кўш фарзанди, дейдилар. Ҳақ гап. Пахта беқиёс бойлик. Тўқинчилик, маъмуричилик, шу пахтадан бўлган.

Эган йил минг гектар майдонга чигит эгдик. Пахта ҳосили баракали бўлди. Гектардан 32 центнердан жами 3200 тонна пахта армуғон эгдик.

Зарбдор тўқинчилик беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида зарбдорчасига меҳнат қилган қолхўзлар 83 бўли қилинган ҳаракат туфайли 8100 ўрнига 3445 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд эгдилар. Шундан 2398 тонна «зағори кема»лар ердажида териб олинди. 90 процентни биринчи сортларга қабул қилинди.

Дала гвардиячиларидан Авалбек Ражабов 181, Умртой Утегенов 174 тоннадан пахта териб, пешкадамли қилиштилар. Меҳнат Қизил Байроқ ордени дондор механизатор Қидирбой Мавленов 250 тонна пахта териб, район механизаторлари орасида мусобақа байроғини баланд кўтарди.

Баракали хирмонда Ким Алексеевич бошчилиги қилаётган бригада аъзолари 93 гектарнинг ҳар гектаридан 36, Иван Югай етацинчидаги пахта-

корлар эса 95 гектардан 84 центнердан дурдона топириб, салмоқли ҳисса қўшдилар.

Хўжалигимиз септармоқ ҳисобланади. Қолхоз «кўш олтин» инқирдорларнинг бу йилги муваффақиятини ҳар қанча маъна тасарийди. 850 гектарда кано ҳосили етиштирилди. Ватанга 12550 тонна «кўш олтин» етказиб бериб, бу соҳадаги планни 103,6 процент бажардик. Давлатга кано ҳосили топириши давом эттирилди.

Шу кунлардаги энг муҳим вазифамиз даладаги ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган ҳолда, келгуси йил мўл ҳосилга ҳам пухта тайёргарлик кўряпмиз. Канолдан тозаланган 730 гектар майдон сифатли шудгор қилиб қўйилди.

Бизни, районда ўзбекистонликлар дейишди. Коллективимиз ўз номларига яраша меҳнат қилишти. Маълумки, келгуси йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистоннинг 50 йиллиги нишонланади. Ушуг санага муносиб меҳнат соғалари тайёрлаш олдимидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Диктат-этиборни зиммага олган мажбуриятни шараф билан бажаришга қаратганмиз.

А. УТАБОВЕВ,
Юқори Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» қолхози партия ташкилотининг секретари.

П. Г. ПАК,
қолхоз бош агрономи.



ЧИНОЗ районидagi К.

Маркс номи қолхозда ме-

ханик-ҳайдовчи Йўлдош

Рустамовнинг номини ҳам-

ма ҳурмат билан тилга ола-

ди. У бу ҳурматга ўз фидо-

корона меҳнати туфайли

сазовор бўлган. Мавсумда

ишчан механизатор 200 тон-

нага яқин пахта терди. Су-

ратда: Я. Рустамов.

А. Абалаев фотоси.

Суратда: Юқори Чирчиқ

районидagi пахта пунктида.

В. Таран фотоси.



Республика пахтакорлари ўз зиммаларига олган юсак мажбуриятларини бажариб, зафар кучган шу кунларда районимиз пахтакорларининг ҳам бу улкан хирмонда ҳиссаси борлиги кўзга кўрилади. Биз ҳозирга қадар Ватан хирмонига 38 минг тоннадан ортиқ Пискент «оқ олтин» армуғон эгдик. Йиллик план 110 процентдан оширилди. 27 минг тоннадан ортиқ пахта машиналар билан териб олинди.

Бу йил район пахтакорлари пахта йиғим-теримини айниқса ушшоқлик билан ўтказдилар. Қолхоз ва совхозлар даладаги пахта йиғим-терим кунларида 321 та терим машинаси мунтазам ишлаб турди. Хўжаликлар йиғим-теримини ўз кучлари билан ўтказиш учун барча имкониятлардан фойдаландилар. Машина теримига катта эътибор берилди. 568 механизатор тайёрланди.

Бу йил пахтачиларда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида зўр ютуқларга эришди, совет ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг ташкилотчилик қўлияти, пахта ҳосилини, етиштириш учун прогрессив усуллари, фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг, далад жорий қилиш туфайли эришилди.

Районнинг кўпгина хўжаликларини қириқ центнерлик хирмон учун кураш олиб бордилар. Юқори ҳосилли хўжаликлардан «Гулистон» қолхозини ҳар гектар ердан олинган ҳосилни 40 центнердан ошдири. Хўжаликда ериштирилган барча ютуқларга коммунистлар етакчилиги қилмоқда. Коммунистларнинг кўпчилиги босонига ишлаб чиқаришда қатнашдилар. Қилинган номи қолхоз ва «Пискент» совхозини ҳам пахтачиларнинг ривожлантиришда, бу соҳадаги ишларни комплекс механизациялаштириб аёроқ пахта етиштиришда катта ютуқларга эришилди.

Тельман номи қолхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хакимовлар Қодиров областимиздаги элчицентнерчилик ҳаракатининг ташаббускоридир. Бу бригада пахта йиғим-теримининг қисса мўддатда ушшоқлик билан ўтказиб, катта ютуқларга эришди. Ҳар гектар ердан 55 центнердан ортиқ ҳосил йиғиб олинди. Хакимовлар Қодиров ўзининг пахтачилликда эришган қўйиллиқ тажрибаларини ёш-

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА САМАРАСИ

ларга ўргатиб, район пахтакорларининг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Бу йил районда ўн та бригада элчи центнерлик хирмон учун кураш олиб борди. 1-«Пискент» совхозидан Ойбек Отаев, Ўринбой Муборак, Ленин номи қолхоздан Қўзбой Мамраев, «Гулистон» қолхозидан Комилжон Алиев, Свердлов номи қолхоздан Тошғешир Анбаров ва Оқунбойев номи қолхоздан Исфхон Сардоров ва бошқа бригадалар шулар жумласидандир.

Район механизаторлари эришган ютуқлар айниқса қўзғолдирилди. Пахта йиғим-теримини даврида жуда кўп та механизаторлар ўз агрегатларини усталик билан бошқариб, 120—220 тоннадан пахта терилган муваффақ бўлдилар. Улар ичида Свердлов номи қолхоздан Ражаб Эргашев, Жуман Хоҳидов, Тельман номи қолхоздан Назар Алимбоев, «Гулистон» қолхозидан Назар Холимиров, 1-«Пискент» совхозидан Солих Уразматовлар номи алоҳида ўрин тутди.

Район экономикасини кўтаришда амалга оширилган ишлар ҳали жуда кўп. Ватан махсулот етиштириш учун кўп ҳаракат қилинади. Етиштирилган махсулотнинг сифатига эътибор берилмайди. Минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, тулпорнинг ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришга эришилди ҳам район хўжаликларидида фойдаланилиши лозим бўлган резервларнинг биридир. Баъзан хўжаликларда шундай ҳоллар ҳам юз берадими, минерал ўғитлар тўппанд-тўғри карта четига тўкиб кетилади. Ушдан ўз вақтида фойдаланиш майда ва ноубуд бўлишга йўл қўйлади.

Чигит экиш билан бирга тулпорқа гербицид сеппи жуда

натта самара бераётганлиги бу йил «Гулистон» қолхозини мисолида синаб кўриди. Бунинг натижасида жуда яхши ўсди. Тез ривожланди ва мўл ҳосил етиштирилди. Биз келгуси йил район бўйича 11 минг гектар ерга чигит экиш вақтида гербицид сеппишни планлаштирдик. 6500 гектар пахта майдонидида сира ҳам қўл кучи ишлатмасдан сираси етиштириш ва пахтаини териб олишнинг мўлжаллашми.

Хўжаликнинг ривожлантирилиши ва юқори иқтисодий самарата эришилди кадрларнинг роли айниқса катта эканлигини ҳисобга олиб бу ишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кадрлар билан бирга уларга иқтисодий билан бериш ҳам район партия комитетининг диққат марказида турибди.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошири бориб бу соҳада сезиларли ишлар қилинди. Ҳозир районда 92 та иқтисодий билимлар мактаби ишлаб турибди. Уларда 2247 тингловчи иштирок этмоқда. Шулардан 316 киши бригада ва аёроқ бошлиқларидир.

Пискент районининг меҳнаткашлари бундан кейин ҳосилдорлигини ошириш, уни комплекс механизациялаштириш, бошқа тармоқларни ривожлантириш, хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан мустақамлаш, қишлоқларини ободонлаштириш, меҳнаткашларнинг мўдди ва маданий ҳаётини янада фаровон қилиш учун ўз куч-қувватларини аямалдидилар.

С. ВОХИДОВ,
Пискент район партия комитетининг биринчи секретари.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобиди)

Биринчи стун — бир кунда тайёрлангани, иккинчи стун — мавсум бошидан бери		
Оқўрғон	0,10	124,65
Бўка	0,11	114,21
Бекобод	0,11	113,98
Юқори Чирчиқ	0,05	113,88
Пискент	0,04	109,16
Янгийўл	0,11	107,94
Чиноз	0,07	107,23
Ўрта Чирчиқ	0,05	104,00
Област бўйича	0,08	113,15

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ ШУДГОР ҚИЛ

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА
КЎЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1973
ЙИЛ 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобиди)

Калинин	83,7
Оржоникидзе	81,2
Юқори Чирчиқ	76,9
Оқўрғон	74,5
Бўстонлиқ	57,8
Охангарон	49,6
Янгийўл	46,3
Бўка	43,9
Пискент	38,6
Ўрта Чирчиқ	33,2
Чиноз	29,7
Бекобод	28,7
Област бўйича	50,7

ЗАФАРИНГ МУБОРАК

Табаррук бир дам, бу, олтин куз чоғи, Дийр чиройида, мардлар азизидан. Ҳатто қўллов йўллар янада янги Шамс анвар кўздан, нур таъминдан. Олтин куз ороси — эл дурдонаси Чаноклар жониди диммо-лим чўнон. Ўриналаб азамат элнинг ватдаси Қалбида немоқда заки жаҳон-жаҳон. Ватлага вафодор жонажон ўлкам, Кўш йўлларидида голиб, музаффар. Енг шимарса ишда, билмайди тиним, Шарафли бўлсин дер йиллар ҳар сафар. Майдонга сурганди пўлат отини, Фарҳод тоғларидан акс садо келур.

Тер тўкиб тотганда ҳаёт тотини. Меҳнатни удуғлаб, чин вафо келур. Турсуной, Мария, Ҳакимовлар, Помир тоғларидида хирмон кўтарди. Оз эмас элимда марди-майдонлар, Пахтадан элимда довои кўтарди. Бу йил ҳам шон кўчи қарвонбошлар, Элдан қўллов олди пойтахт областим. Азамат Оқўрғон мардлари жўмард, Азамин ардоқлаб эл айлар таъзим. Шеримга нур олдим Бекободимдан, Табиат нозидан дил қўйиб гоҳи, Малҳам бериб ерга меҳру қалбидан, Айлади Сир бўйин олтин даргоҳи.

Бўка ҳам пешкада, води полвони, Қўвончли аҳдидаи сўз айтса арзир, Тоғлардай юксалиб ерин аҳсони, Тилларда дostonдир қадим, она Сир. Муборак Янгийўл, Пискенту, Чиноз, Қалбларнинг табригу қўйлар севга, Шўхратинг ҳар йили бўлсин сарафроз, Ер бўлсин элимнинг тўйларин севга. Зафаринг муборак азиз дийрим, Ватанга тўёна чўнг хирмонинг бор. Шеримга битилди қалбим, ҳурматим, Дилларга кўй берган шарафшонинг бор.

НАЗАРМАТ.

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛА- РИГА БАЛЛИ!



★ РЕСПУБЛИКАМИЗ пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Бу ишда жуда кўп «зағори кема» капитанлари фаол қатнашдилар. Улар теримда меҳнат намуналарини кўрсатиб, ўз маҳоратларини амалий ишда намойиш қилдилар. Мана шулардан бир гуруҳи: (чапдан ўнгга) Янгийўл районидagi Фрунзе номи қолхозининг меҳнаткорлари Улмас Алимбоева, Бўка районидagi Ҳамза номи қолхозининг механизатори Шодмон Йўлдошев, Ўрта Чирчиқ районидagi А. Икромов, Янгийўл районидagi «Интернационал» қолхозининг механизатори Турсунбой Камолов, шу райондagi «Ленинизм» қолхозининг механизатори Эргаш Дониёров, Оқўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатори Собиржон Шералиев ўртоқлар.

А. Абалаев ва А. Турсев фотолари.

